

20фоиз миқдорини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 2 йил муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланган.

Мазкур ҳукм билан Ххххххх Ххххх Хххххххххххх ҳам судланган бўлиб, Х.Хххххххга оид қисми муқаддам кассация инстанциясида кўрилганлиги сабабли суд ҳукмининг унга нисбатан қисми муҳокама қилинмайди.

Суд ҳукмига кўра, судланувчи Х.Хххххх 2015 йил 28 декабрда фуқаро Ж.Худойкулов Ўзбекистон Республикаси МХХнинг Сирдарё вилоят бошқармаси бошлиғи номига ариза билан мурожаат қилиб, унда 2015 йил сентябрь ойида яқка тартибдаги тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиб келган онаси Кенжаева Гулнорага тегишли савдо дўконида Янгиер шаҳар ДСИ ходимлари томонидан текшириш ўтказилиб, харидорга НКМ чеки бермаганлиги, кирим хужжати ва сертификати бўлмаган маҳсулотларни савдога қўйганлиги аниқланганлиги бўйича тузилган маъмурий материални ижобий ҳал қилиб беришни Х.Ххххххдан илтимос қилганлиги, Х.Хххххх унга прокуратурада расмий равишда ишламаслигини, шу сабабли бу ҳақида Янгиер шаҳар прокурорининг ёрдамчиси Х.Хххххххга учрашиб кўришини айтганлиги, Янгиер шаҳар прокуратурасида Х.Ххххххх билан учрашиб, унга шу масалада ёрдам беришини сўраганида, Х.Ххххххх унга ушбу ишга 200 АҚШ доллари берган тақдирида ёрдам беришини айтганлигини, шунда Х.Хххххххх унга агарда жиноят ишлари бўйича Янгиер шаҳар судига чақиришса унга бу ҳақида хабар беришини тайинлаганлиги, орадан бир неча кун ўтганидан кейин 2015 йил 1 декабрь куни Х.Ххххххх унинг дўконига келиб, Х.Хххххххх 200 АҚШ доллари сўраётганлигини айтганлиги, у Х.Хххххххга 100 АҚШ доллари бериб, оилавий аҳволи яхши бўлмаганлиги учун қолган 100 АҚШ долларини кейинроқ беришини айтганлиги, Х.Ххххххх у билан учрашиб қолган пулни тезроқ беришини талаб қилаверганидан кейин, бу ҳақида МХХ Сирдарё вилоят бошқармасига ариза билан мурожаат қилиб, уларга нисбатан қонуний чора кўришни сўраган.

Ушбу ариза асосида 2015 йил 28 декабрь куни соат 14⁰⁰ ларда МХХ Сирдарё вилоят бошқармаси ходимлари томонидан ўтказилган тезкор тадбир жараёнида Х.Ххххххх Янгиер шаҳар Самарқанд чойхонаси ёнидаги савдо дўкони олдида Ж.Худойкуловдан 100 АҚШ доллари олган вақтида ушланган.

Шунингдек, ўтказилган терговолди текшириш ва тергов ҳаракатлари жараёнида Янгиер шаҳар прокурорининг ёрдамчиси Х.Хххххххх фуқаро Х.Ххххххх орқали, 2015 йил 1 декабрь куни фуқаро Ж.Худойкуловни онаси Г.Кенжаевага нисбатан бўлган маъмурий ишни жиноят ишлари бўйича Янгиер шаҳар судида кўрилишида, суд раиси А.Курамовга илтимос қилиб, енгил жазо тайинлатиб берганлигини айтиб, уни ишончига кириб, ундан 100 АҚШ долларини олганлиги аниқланган.

Прокурор томонидан берилган протестда, биринчи босқич суди томонидан судланувчи Х.Хххххххнинг жиноий ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 2-қисми “в” банди билан нотўғри квалификация қилинганлиги сабабали, суд ҳукмини ўзгартириб, қонунга



мувофиқлаштириб, Х.Ххххххнинг жиноий ҳаракатларини ЖКнинг 168-моддаси 2-қисми “в” бандидан ЖКнинг 25,168-моддаси 2-қисми “в” бандига қайта квалификация қилиш ҳамда ЖК 64-моддасига асосан жавобгарликдан озод қилиш сўралган.

Судланувчи Х.Хххххх томонидан берилган шикоятда, айбсиз эканлиги, биринчи босқич суди томонидан иш бир томонлама олиб борилганлиги, у Ж.Худойкулов билан келишувга эришмаганлиги, фақат Янгиер шаҳар прокурорининг ёрдамчиси Х.Хххххххнинг илтимосига асосан 2015 йил 28 декабрь куни Ж.Худойкуловнинг олдига бориб, у берган пулни Х.Ххххххга олиб келиб бермоқчи бўлганлиги, Ж.Худойкулов томонидан берилган пул маблағи пора ёки Х.Хххххх томонидан фирибгарлик йўли билан олинган пул эканлигини билмаганлиги ҳақида важлар келтирилиб, жиноят ишлари бўйича Сардоба туман судининг 2016 йил 12 апрелдаги ҳукмини бекор қилиб, оқлов ҳукми чиқариш сўралган.

Судлов ҳайъати, судья С.Расуловнинг маърузасини, прокурор Ж.Халикуловнинг протестни қаноатлантириб, суд ҳукмини ўзгартириб, қонунга мувофиқлаштириш, шикоятни қаноатлантирмасдан қолдириш ҳақидаги, ҳимоячи Х.Хххххх ва судланувчи Х.Ххххххнинг шикоятни қаноатлантириб, суд ҳукмини бекор қилиб, оқлов ҳукми чиқариш, протестни қаноатлантиришсиз қолдириш ҳақидаги музокара фикрларини, судланувчининг охириги сўзини тинглаб, шикоятдаги важларни иш материаллари асосида таҳлил қилиб, қуйидагиларга асосан протестни қисман қаноатлантириб, суд ҳукмини ўзгартириб, қонунга мувофиқлаштиришни, шикоятни қаноатлантирмасдан қолдиришни лозим топди.

Судлов ҳайъати, судланувчи Х.Ххххххнинг шикоятида келтирганва судда билдирган айбсиз эканлиги, биринчи босқич суди томонидан иш бир томонлама олиб борилганлиги, у Ж.Худойкулов билан келишувга эришмаганлиги, фақат Янгиер шаҳар прокурорининг ёрдамчиси Х.Хххххххнинг илтимосига асосан 2015 йил 28 декабрь куни Ж.Худойкуловнинг олдига бориб, у берган пулни Х.Ххххххга олиб келиб бермоқчи бўлганлиги, Ж.Худойкулов томонидан берилган пул маблағи пора ёки Х.Хххххх томонидан фирибгарлик йўли билан олинган пул маблағи эканлигини билмаганлиги ҳақидаги важлари билан келишмайди ва унинг ушбу важлари қуйидагилар билан, яъни:

Жумладан, апелляция инстанциясида сўроқ қилинган:

-гувоҳ Х.Ххххххнинг Х.Ххххххни танишлиги, Янгиер шаҳар прокуратурасида прокурор ёрдамчиси бўлиб ишлаган даврида Х.Хххххх ёрдам бериб турганлиги, Х.Ххххххнинг “Ноутбук” русумли компьютеридан фойдаланиб турганлиги, 2015 йил декабрь ойининг охирида йиллик ҳисобот қилаётганида, компьютер керак бўлиб қолганлиги, Х.Хххххх телефон қилганида “ноутбугингни олиб кел”-деганлиги, 2015 йил 28 декабрь куни соат 14:00 ларда Х.Хххххх келганлиги, Янгиер шаҳар прокурори Х.Ххххххни ҳайдаб юборганлиги, кейинчалик МХХ ходимлари томонидан ўтказилган тадбирда Х.Хххххх 100 АҚШ доллари билан ушланганлигини билганлиги, сўнг Х.Хххххх унга қарши кўрсатма берганлиги,



Ж.Худойкуловни тадбир бўлмасидан бир йил олдин таниганлиги, Х.Ххххххни тадбир бўлмасидан бир ярим йил олдин таниганлиги, у Ж.Худойкуловдан пул сўрамаганман, Ж.Худойкуловни унинг олдига Х.Ххххххнинг ўзи олиб келганлиги, Ж.Худойкулов ундан ёрдам сўраганлиги, одамгарчилик сифатида кўлимдан келса ёрдам бераман деганлиги, лекин унинг Х.Хххххх фуқаро Ж.Худойкуловдан фирибгарлик қилиб пул олганлиги ҳолатига алоқаси йўқлиги, Ж.Худойкуловнинг онасига нисбатан бўлган маъмурий иш юзасидан Янгиер шаҳар судининг раиси билан гаплашмаганлиги, у Ж.Худойкуловдан 200 АҚШ доллари сўрамаганлиги ҳақидаги;

-гувоҳ Ж.Худойкуловнинг, судланувчи Х.Ххххххни танишлиги, илгари эҳтиёт қисмлар сотадиган дўкони бўлганлиги, ДСИ ходимлари тадбир ўтказишиб савдо қоидасини бузганлиги учун маъмурий ҳуқуқбузарликка оид баённома расмийлаштиришганлиги, шу масалада Янгиер шаҳар прокурорининг ёрдамчиси Х.Ххххххдан қонуний ёрдам сўраганлиги, Х.Хххххх бунинг учун 200,300 АҚШ доллари атрофида ҳаражат бўлади деганлиги ва ушбу гапни айтган вақтида уларнинг олдида Х.Хххххх ҳам бўлганлиги, шундан сўнг Х.Хххххх ўша 200, 300 АҚШ доллари пулни сўраб талаб қилиб келаверганлиги, Х.Хххххх унинг олдига неча маротаба пул сўраб келганлигини ҳозир аниқ эслолмаслиги, бироқ бир неча марта келганлиги, Х.Ххххххга бериб қўйиши учун биринчи маротаба Х.Ххххххга 100 АҚШ доллар берганлиги, сўнг Х.Хххххх яна пул сўраб келаверганидан кейин аризасига асосан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимлари томонидан Х.Хххххх 100 АҚШ доллари билан тадбирда ушланганлиги, жиноят ишидаги стенограммадаги Х.Хххххх билан бўлган суҳбат тадбирдан олдин ёзилганлиги, дастлабки терговда берган кўрсатувини тўлиқ тасдиқлашлиги, стенограммадаги суҳбат ҳақиқатда бўлганлиги ҳақидаги кўрсатувлари билан;

-жиноят ишидаги Ж.Худойкуловнинг аризаси, Х.Ххххххнинг аризаси, сўзлашувларни эшитиш ва ёзиб олиш тўғрисидаги баённома, сўзлашувлар стенограммаси, нақд пул билан ушлаш тўғрисидаги баённомаси, пулга кимёвий ишлов бериш ҳақидаги баённомалар, Х.Хххххх ва Х.Ххххххлар ўрталарида ўтказилган юзлаштириш баённомаси, Х.Ххххххх ва Ж.Худойкуловлар ўрталарида ўтказилган юзлаштириш баённомаси, Х.Хххххх ва Ж.Худойкуловлар ўрталарида ўтказилган юзлаштириш баённомаси, Х.Хххххх орқали Ж.Худойкуловдан олинган 100 АҚШ долларини Х.Ххххххх ўз ихтиёри билан топширганлиги ҳақида тузилган баённома, пул маблағини депозитарийга топшириш ҳақидаги қарор, суд-кимёвий экспертиза тайинлаш тўғрисидаги қарор, Сирдарё вилоят ИИБ ЭКБнинг 12.01.2016 йилдаги 34-сонли экспертиза хулосаси, нарсаларни ашёвий далиллар деб эътироф этиш ва уларни ишга қўшиб қўйиш ҳақидаги қарор, Ж.Худайкуловнинг 2015 йил 28 декабрь куни ўтказилган тадбирда ишлатилган 1 дона 100 АҚШ долларини қайтариб олганлиги ҳақидаги



тилхатибилан тўлиқ рад қилинади ва унинг айби юқоридаги кўрсатиб ўтилган далиллар билан ўз исботини топган деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2017 йил 11 октябрдаги “Фирибгарликка оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги 35-сонли Қарорининг:

-7-бандида, “Мулкни эгаллашга қаратилган фирибгарлик, мазкур мулк айбдор ёки бошқа шахсларнинг ғайриқонуний эгаллигига ўтган ва улар ундан хоҳлаган тарзда фойдаланиш ёки тасарруф этиш реал имкониятига эга бўлган пайтдан тугалланган деб топилиш”лиги ҳақида;

- 18-бандида, “Агар шахснинг қасди ўзганинг мулкни кўп (жуда кўп) миқдорда эгаллашга йўналтирилган бўлиб, у айбдорга боғлиқ бўлмаган ҳолатларга кўра охирига етказилмаган бўлса, қилмиш ҳақиқатда талон-торож қилинган мулк қийматидан қатъий назар, қасд йўналтирилганлигидан келиб чиқиб, кўп (жуда кўп) миқдордаги фирибгарликка суиқасд сифатида квалификация қилиниши керак”лиги ҳақиқатдустунириш берилган.

Мазкур Пленум қарори талабига кўра, судланувчи Х.Ххххххнинг жиноий ҳаракатларини фирибгарлик жиноятини содир этишга суиқасд сифатида баҳолаб бўлмайди, чунки судланувчи Б.Рузивнинг қасди ўзганинг мулкни кўп (жуда кўп) миқдорда эгаллашга йўналтирилмаган, яъни жиноят предмети суммаси кўп (жуда кўп) миқдорни ташкил этмайди, шунингдек даставвал 2015 йил 1 декабрь куни Х.Хххххх фуқаро Ж.Худойкуловдан унинг дўконига келиб, Х.Ххххххх 200 АҚШ доллари сўраётганлигини айтиб, ундан 100 АҚШ долларини олиб кетган, яъни ушбу олинган пул маблағи Х.Ххххххнинг ғайриқонуний эгаллигига ўтган ва у ундан хоҳлаган тарзда фойдаланиш ёки тасарруф этиш реал имкониятига эга бўлган.

Биринчи инстанция суди судланувчи Х.Ххххххнинг жиноий ҳаракатларини Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 2-қисми “в” банди ва 28,211-моддаси 1-қисми билан квалификация қилиб тўғри хулосага келган ва ушбу хулоса юқоридаги Пленум қарори талабига ҳам мос.

Ўзбекистон Республикаси ЖК 13-моддасининг 3-қисмида, қилмишнинг жиноийлигини бекор қиладиган, жазони енгиллаштирадиган ёки шахснинг аҳволини бошқача тарзда яхшилайдиган қонун орқага қайтиш кучига эга, яъни ушбу қонун кучга киргунга қадар тегишли жиноий қилмиш содир этган шахсларга, шу жумладан жазони ўтаётган ёки ўтаб бўлган шахсларга нисбатан, агар улар ҳали судланган ҳисоблансалар, татбиқ этилиши белгилаб қўйилган.

2021 йил 12 январда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг Қонунига кўра, жиноят ишлари бўйича суд қарорларини қайта кўриш институти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.

Хусусан, киритилган ўзгартишга кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 28-моддасида апелляция инстанцияси суди биринчи инстанция судининг қонуний кучга кирмаган ҳукмлари ва ажримлари устидан берилган шикоятлар (протестлар) бўйича ишларни кўриб ҳукм ёки ажрим чиқариши,



